

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЎРОЗОВ БАҲРИДДИН ОМОНОВИЧ**

**ҒЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИДА ГОММОЗ ВА ВИЛТГА БАРДОШЛИ НАВЛАР  
ЯРАТИШДА МУРАККАБ ДУРАГАЙЛАШ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

**Ўрозов Бахриддин Омонович**

Ғўза селекциясида гоммоз ва вилтга бардошли навлар яратишда мураккаб  
дурагайлаш..... 3

**Урозов Бахриддин Омонович**

Сложная гибридизация в селекции сортов хлопчатника, устойчивых  
к гоммозу и вилту..... 19

**Uroзов Baxriddin Omonovich**

Composite hybridization in cotton breeding on resistance to gummosis  
and wilt ..... 33

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 36

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЎРОЗОВ БАҲРИДДИН ОМОНОВИЧ**

**ҒЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИДА ГОММОЗ ВА ВИЛТГА БАРДОШЛИ НАВЛАР  
ЯРАТИШДА МУРАККАБ ДУРАГАЙЛАШ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
B2017.2.PhD/Qx133. рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Ибрагимов Паридун Шукuroвич</b> қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Нариманов Абдужалил Абдусаматович</b> қишлоқ хўжалик фанлари доктори <b>Бобоев Сайфулла Гофурович</b> биология фанлари доктори, доцент
<b>Ётакчи ташкилот:</b>	<b>Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «3» апрел соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz) Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (533968 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «19» мартда тарқатилди.  
(2018 йил «3» мартдаги 10-рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Сулайманов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., академик

**Я.Х.Юлдашов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

**М.М.Адилов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда енгил саноат ва унинг маҳсулотларига бўлган талаб йилдан-йил ошиб бормоқда. Ғўзанинг ўрта ва ингичка толали навларида вилт, гоммоз, илдиз чириш ва бошқа касалликлари кўплаб учраб, баҳор серёмғир келган йилларда гоммоз касаллигини ривожланиши туфайли 15-20% гача пахта ҳосили йўқотилади. Бу 120-200 минг тонна толани ташкил этади. Ғўзанинг гоммоз, вилт касалликларга бардошли бошланғич ашёларни яратиш ва селекция тадқиқотларида тавсия этиш долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Жаҳонда ушбу касалликларга бардошли бўлган бошланғич ашё яратишда селекционер олимлар турли хил дурагайлаш услубларини қўллашган<sup>1</sup>.

Жаҳонда *Xanthomonas malvacearum* бактериялари ва *Verticillium dahliae* Kleb замбуруғлари юз йилдан буён катта муаммо бўлиб келмоқда. Тропик мамлакатларда гоммоз бактерияси ва вилт замбуруғлари орқали 50 фоиз ҳосил йўқотилмоқда. Гоммоз ва вилт касалликлари дунёнинг барча ғўза экиладиган мамлакатларида учрайди, аммо унинг тарқалиши ҳар хил бўлади. Ғўза коллекцияси умумжаҳон хазинаси бўлиб, барча пахта етиштирувчи давлатлар олимлари улардан фойдаланиб, ўта мураккаб генотиплар ажратиб, касалликларга бардошли 2-3 геномли навлар яратган.

Республикамизда экилаётган ўрта толали ғўза навлари тезпишарлик, ҳосилдорлик, тола сифати ва бошқа айрим қимматли хўжалик белгилари билан хорижий нав-намуналардан бирмунча афзалликларга эга. Мамлакатимизда охириги йилларда ғўзага гоммоз касаллигининг баҳорги ва кузги шакллари сезиларли даражада таъсир этиши кузатилмоқда. Гоммоз ва вилт касалликларига 100 фоиз бардошли ғўза навлари жаҳонда яратилмаган бўлиб, аксарият пахта етиштирувчи давлатлар бу муаммони уруғларни дорилаш йўли билан бартараф этади. Бироқ, кейинги йилларда юз бераётган экологик ўзгаришлар ҳамда турли касалликларнинг янги популяцияларини пайдо бўлиши, селекционер олимлар зиммасига янги вазифаларни қўймоқда. ПСУЕАИТИ коллекциясида мавжуд бўлган намуналарни ўрганиб, уларни турли хил дурагайлаш орқали гоммоз ва вилт касалликларига нисбатан бардошли бўлган ғўза навларини яратиш бу муаммонинг ечиш йўллари билан биридир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси» давлат дастурида келтирилганидек «... касаллик ва зараркунандаларга бардошли, тупроқ-иқлим шароитларига мос, қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш» долзарб аҳамият касб этади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги 395-П-сон «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги ва «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон

<sup>1</sup> [www.FAO.org](http://www.FAO.org)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 3 февралдаги ПҚ-2756 сонли «Ўзани навлар бўйича жойлаштириш ва пахта структурасининг прогноз хажмлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Гоммоз касаллигини кўзғатувчиси бўлган бактерия билан биринчи маратоба XIX асрнинг охирида Америка олимлари Д.Аткинсон ва Э.Смитлар томонидан дастлабки тадқиқотлар олиб борилган. Хорижий олимлар дунёнинг бошқа минтақаларидан олиб келинган *G. barbadense* ва *G. hirsutum* турларидан бошланғич ашё сифатида фойдаланиб, гоммознинг барча маълум ирқларига ўта бардошли ёки иммун бўлган навлар яратилган.

Ўзбекистонда гоммоз ва вилт касалликларининг морфологияси, бактериянинг турлари, ўсимликда ривожланиши ва унинг салбий таъсири бўйича маълумотлар Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг М.Каримов, У.Расулов каби олимлари илмий изланишларида келтирилган. Шу билан бирга чидамли навлар яратиш бўйича Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти олимларидан В.А.Автономов, О.Ҳасанов, С.А.Усмонов, Р.Ким, А.Марупов, Ф.Войтенко ва бошқалар жаҳон коллекцияси намуналарини ўрганиб, гоммоз ва вилт касалликларига чидамли бошланғич ашё ва тизмалар яратишган. Лекин, мураккаб дурагайлаш услуги билан бу касалликка бардошли бўлган янги навлар яратиш устида илмий изланишлар олиб борилмаган. Гоммоз ва вилт касалликларига толерант бўлган намуналарни яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-11-002 «Жаҳон коллекцияси асосида стандартлар талабига жавоб берадиган серҳосил, ўта тезпишар юқори тола сифати ва индексли ҳамда вертициллёз ва фузариоз касалликларга чидамли госсипиум хирзутум ва госсипиум барбадензе турига оид бўлган навларни яратиш ва уларни бирламчи уруғчилиги ва ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2009-2011 йй.), ҚХА-9-037 «Миллий генофонд асосида гоммоз ва вертициллёз вилтга чидамли, толаси ингичка толали ғўза даражасида юқори сифатга эга бўлган навларни яратиш» (2012-2014 йй.), ҚХА-8-044 «Андоза навларидан тола ҳосилдорлиги бўйича 25-30% га устунлик

қилган вилтга чидамли навни яратиш ва давлат комиссияси грунтназоратига топшириш» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўрта толали ғўза навларини тур ичида чатиштиришдан олинган мураккаб дурагайлари ўрганиш асосида ғўзанинг гоммоз ва вилт касалликларига бардошли бўлган намуналарни таҳлил қилиш ҳамда селекция ишлари учун навлар яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жаҳон генофондидан ўрта толали ғўза навларининг сунъий зарарланган фонда *Xanthomonas malvacearum* бактерия билан қайта зарарлаш орқали гоммоз ва вилт касалликларига бардошли бўлган янги оилаларни ажратиш;

F<sub>2</sub> дурагайларида морфоҳўжалик белгиларининг ўзгарувчанлигини аниқлаш;

гоммоз бактерияларига бардошли бўлган оилаларни вилт билан кучли даражада зарарланган муҳитда аниқлаш;

янги яратилган тизмаларнинг гоммоз ва вилт касалликларига бардошли бўлган оилалардаги қимматли хўжалик белгилари корреляциясини аниқлаш;

F<sub>8</sub>-F<sub>10</sub> оддий ва мураккаб дурагайлари асосида олинган тизмаларни навдорлигини 96-98 фоига етказиш ва тола сифатини 36-37 кодларга жавоб берадиган тизмаларни ажратиш;

мураккаб дурагайлаш асосида гоммоз ва вилт касалликларига бардошли бўлган янги яратилган навларни Давлат нав синаш комиссиясининг грунт назоратига топшириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида *Xanthomonas malvacearum* бактерияси, *Verticillium dahliae* Kleb замбуруғи, ўрта толали ғўзанинг С-6524, Наманган-77, Омад, С-2609, С-2610, С-9082, Ат-термизий, С-6541 навлари ва уларни ўзаро чатиштириш натижасида олинган оддий ва мураккаб дурагайлари ҳамда тизмалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** ғўзанинг мураккаб дурагайларининг гоммоз ва вилт касалликларига бардошлилиги, асосий қимматли хўжалик белгилари ва тола сифати кўрсаткичларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала шароитида селекцион ашёларни гоммоз касаллигига бардошлилигини баҳолашда бактериялар махсус тайёрланган картошка глюкоза агарли озуқа муҳитида кўпайтириш, чигитни сунъий зарарлантиришда Ю.Н.Фадеева услуби асосида амалга оширилди. Дала ва лаборатория шароитида дурагайларининг ўсимлик бўйи, ҳосил шохлари сони, ўсув шохлари сони, бир туп ўсимликдаги кўсаклар сони, тезпишарлиги, маҳсулдорлиги, тола чиқими, битта кўсакдаги пахта вазни ва толанинг сифат кўрсаткичлари аниқланиб, Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» ва G.M.Weil ва R.E.Atkins услублари асосида статистик таҳлилдан ўтказилди. Тола сифати кўрсаткичлари «Сифат» сертификатлаш марказида ва ПСУЕАИТИнинг «Тола технологияси» лабораториясида мавжуд HVI замонавий ўлчов асбобида аниқланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор гоммоз ва вилт касалликларига бардошли бўлган ғўзанинг трансгрессив генотипларини пайдо бўлишига мураккаб дурагайлаш услубининг таъсири аниқланган;

сунъий зарарлантирилган фонда маҳсулдорлик ва тола сифати белгиларига гоммоз бактерияларни ва вилт замбурғларини салбий таъсири ҳамда дурагай популяцияларни гибридиологик таҳлили асосида янги генотиплар ажратиб олинган;

мураккаб дурагайлашда якка танловлар натижасида гоммоз ва вилт касалликларининг ирсийланиши ҳамда ирсийланиш коэффициенти аксарият ҳолда оддий дурагайларга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланган;

белгилар орасидаги коррелятив боғлиқликлар мураккаб дурагайлаш натижасида ижобий томонга оғиши маълум бўлиб, тезпишарлик ва вилтга бардошлилик белгилари бир генотипда мужассамланганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларида тезпишар, гоммоз ва вилт касалликларига нисбатан бардошли бўлган 12 та тизма ва кўсакларнинг очилиш суръати кескин тезлашган 3 та навлар яратилган;

яратилган С-2612 ва С-2615 ғўза навлари Сурхондарё ва Андижон вилоятларида навдорлиги ГОСТ талабларига жавоб берадиган юқори ҳосилдорлиги билан бошқа навлардан ажратилган;

С-2612 нави тезпишарлик ва кўсакларнинг очилиши тезлиги билан биринчи теримда ғўзада 100 фоиз пахта ҳосили териб олинишига эришилган;

мураккаб дурагайлаш натижасида яратилган С-2616 нави эса гоммоз ва вилт касалликларига бардошлилиги билан андоза навлардан ажратилган ва 3,3-3,5 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги:** Тадқиқотда дала тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга ишлов бериш, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосалар асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб баҳоланганлиги ва изланишлар натижалари амалиётда фойдаланилганлиги; тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация иши натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Республикамизда биринчи мартаба ўрта толали ғўзанинг толаси IV тип талабларига жавоб берадиган, гоммоз ва вилт касалликларига бардошли бўлган мураккаб гетерозигот генотипларда ноёб ўсимликларнинг пайдо бўлиши аниқланди, якка танлов ишлари натижасида гоммоз ва вилт касалликларига бардошли ҳамда пахта маҳсулдорлиги, тола



сифати белгилари орасидаги генотипик корреляциялар ижобий томонга кескин ўзгариши маълум бўлган.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти гоммоз ва вилт касалликларига бардошли, генетик жиҳатдан бойитилган, ижобий белгилар мажмуасига эга бўлган бир қатор оила ва тизмалар амалий селекция жараёнида қўлланилмоқда, тадқиқотлар натижасида тезпишар (95-105 кун), маҳсулдор ва энг муҳими кўсақларнинг очилиш суръати юқори бўлган 12 та тизма ва 3 та навлар яратилганлиги билан ифодаланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ёўза селекциясида гоммоз ва вилтга бардошли навлар яратишда мураккаб дурагайлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари асосида:

ёўзани оддий ва мураккаб дурагайлаш усуллари асосида гоммоз ва вилт касалликларига бардошли, тезпишар ҳамда ҳосилдорлиги юқори бўлган С-2612 ва С-2615 навлари Интеллектуал Мулк агентлигининг селекция ютуғига патенти олинган (№NAP 2015 0018; №NAP 2015 0019). Натижада фермер хўжаликларида мазкур ёўза навлари пахта ҳосилдорлиги ошган ва рентабеллик даражаси 20-25 фоизни ташкил этган;

тезпишар, стресс омилларга бардошли ва ҳосилдорлиги юқори бўлган янги яратилган «С-2612» нави Сурхондарё вилоятида пахтачилик фермер хўжаликларида 150 гектар, гоммоз ва вилт касалликларига бардошли бўлган «С-2615» ёўза нави Андижон вилоятида 10 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини 24.01.2018 йилдаги 07/20-93-сонли маълумотномаси). Натижада «С-2612» ва «С-2615» ёўза навлари пахта ҳосилдорлиги гектаридан 3,3-3,5 центнергача ортишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий мақола чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 та маҳаллий ва 2 та хорижий журналларда ҳамда 1 та монография чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **адабиётлар шархи** деб номланган биринчи бобида турли даврларда маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган ғўзанинг гоммоз ва вилт касалликларига бардошлилиги ва мураккаб дурагайлаш услубини ўрганишга оид диссертация мавзусининг мақсад ва вазифалари юзасидан маҳаллий ва хорижий илмий адабиётларнинг шархлари келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотларни олиб бориш жойи, шароити ва услуби»** деб номланган иккинчи бобида 2006-2017 йилларда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг Марказий тажриба хўжалиги далаларида олиб борилган ишлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Илмий тадқиқотлар Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтида «Иммунология ва сунъий иқлим» лабораториясида олиб борилди.

Вўза ўсимликларининг ўсиш ва ривожланиш даврида бир қатор фенологик кузатувлар олиб борилди. Андоза сифатида ўрта толали ғўзанинг С-6524, нави олинди. Мураккаб дурагайларнинг дала шароитидаги натижалари ва лаборатория шароитидаги асосий хўжалик белгилари бўйича кўрсаткичлари оддий дурагайларга ҳамда андоза навларга нисбатан таққослаб ўрганилди ва фарқланишига қараб баҳо берилди. Селекцион ашёларни дала шароитида гоммоз касаллигига бардошлилигини баҳолаш учун махсус тайёрланган *Xanthomonas malvacearum* бактериядан фойдаланилди. Бактериялар махсус тайёрланган картошка глюкоза агарли озуқа муҳитида кўпайтирилиб, чигитни зарарлантириш учун ишлатилди. Тадқиқотларда Ю.Н.Фадеева (1979) таҳлилида чиқарилган илмий адабиётдаги услуб бўйича уруғларни зарарлантириши ишлари амалга оширилди.

Дала шароитида ўрганилаётган дурагайларнинг вегетация даврида қуйидаги фенологик кузатув ишлари олиб борилди: ўсимлик сони; ўсимлик бўйи; ўсимликларни гоммоз касаллигининг баҳорги ва кузги шакллари билан зарарланиши; вилт касаллиги билан зарарланиши; ўсув шохлари сони; ҳосил шохлари сони; бир туп ўсимликдаги кўсаклар сони; 50 % кўсакларнинг пишиш даври.

Барча йилларда олинган мураккаб дурагайларида қимматли хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги ҳамда корреляцион боғланиши оддий дурагайлар ва андоза навлар билан ўзаро таққослаб ўрганилди, олинган натижалар асосида вариацион қаторлар тузилиб, Б.А.Доспехов (1985), A.Allard

(1966) ҳамда G.M.Veil ва R.E.Atkins (1965) услубларида математик ишловдан ўтказилди.

Диссертациянинг тадқиқот натижаларида «Гоммоз ва вилт касалликларини ирсийланишини  $F_1$  дурагайларида ўрганиш» деб номланган учинчи бобида тадқиқотларини дастлабки йилларида ўрта ғўза навларини гоммоз касаллигига бардошлилари ажратиб олиниб оддий дурагайлаш ишларига жалб қилинди. Олинган оддий дурагайлардан гоммоз касаллигига бардошли бўлганлари билан мураккаб чапиштириш ўтказилди.

Ўрта толали  $F_1$  оддий ва мураккаб дурагайларининг гоммоз, вилт касалликлар билан зарарланиши, маҳсулдорлиги ва тола узунлиги белгиларининг ирсийланиши ўрганилди.  $F_1$  оддий дурагайларда гоммоз касаллигининг баҳорги шакли билан зарарланиши  $F_1$  (ОмадхАттермизий) ва  $F_1$  (С-2609хНаманган-77) 3,3 фоиздан  $F_1$  (С-2610хС-6541) 14,2 фоизгача, кузги шакли билан эса бу кўрсаткич  $F_1$  (С-2609хНаманган-77) 1,6 фоиздан,  $F_1$  (С-2609хАттермизий) 9,4 фоизгача бўлганлиги аниқланди.  $F_1$  (С-6524хС-6541)х(С-2610хС-6541) мураккаб дурагай баҳорги шаклида 0 фоиздан, 12,9 фоизгача, кузги шаклида эса 0 фоиздан, 7,4 фоизгача касалланганлиги кузатилди. Андоза нав сифатида олинган С-6524 нави гоммоз касаллиги билан баҳорги формасида 14,4 фоиз, кузги формасида эса 9,6 фоиз касалланди.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики,  $F_1$  (С-6524хС-9082)х(С-2609хНаманган-77),  $F_1$  (ОмадхНаманган-77)х(С-2609хС-9082) ва  $F_1$  (С-2610хС-9082)х(С-6524хС-6541) комбинациялари гоммоз касаллигига нисбатан бардошли эканлиги, баҳорги шакли билан уларда зарарланиш миқдори 0 фоизни, кузги шакли билан эса 2,0 фоизгача бўлди.

Ўрганилган мураккаб дурагайларда гоммоз касаллигига бардошлилик белгисининг турли хилда ирсийланиши маълум бўлди. Яъни, ижобий ва салбий доминантлик, тўлиқсиз ва ўта доминантлик ҳолатлари намоён бўлди. Бунда,  $F_1$  (С-6524хС-9082)х(С-2609хНаманган-77),  $F_1$  (ОмадхНаманган-77)х(С-2609хНаманган-77),  $F_1$  (ОмадхНаманган-77)х(С-2609хС-9082),  $F_1$  (С-2609хАттермизий)х(С-6524хАттермизий),  $F_1$  (С-2609хАттермизий)х(С-2610хС-6541) ва  $F_1$  (С-2610хС-9082)х(С-6524хС-6541) чи мураккаб дурагайларда доминантлик коэффициенти 1 рақамдан юқори бўлиб, ушбу дурагайларда гоммознинг баҳорги шаклига чидамлилиқ ўта доминант ҳолда ирсийланиши кузатилди.

Гоммознинг кузги шаклига бардошлилик бўйича ҳам баҳорги шакли каби кўрсаткичлар намоён бўлди. Яъни  $F_1$  (С-6524хС-9082)х(С-2609хНаманган-77),  $F_1$  (ОмадхНаманган-77)х(С-2609хНаманган-77), 17, 20,  $F_1$  (С-2609хАттермизий)х(С-2610хС-6541),  $F_1$  (С-2610хС-9082)х(С-6524хС-6541) ва  $F_1$  (С-2610хАттермизий)х (ОмадхАттермизий) чи мураккаб дургайлар гоммознинг кузги шаклига ҳам бардошли бўлиб чиқишди.  $F_1$  (С-6524хАттермизий)х(С-2609хНаманган-77),  $F_1$  (ОмадхС-9082)х(С-2609хАттермизий) ва  $F_1$  (ОмадхАттермизий)х(С-2609хС-9082) чи дурагайлар эса тўлиқсиз доминантлик ҳолатни намоён этди.  $F_1$  (С-6524хС-6541)х(С-2610хС-6541) ва  $F_1$  (С-2610хАттермизий)х(С-6524хС-9082) дурагайлар

гоммознинг баҳорги ва кузги шаклига бардошлилик бўйича салбий кўрсаткичларга эга эканлиги маълум бўлди.

Гоммоз касаллигига нисбатан бардошли бўлган аксарият мураккаб дурагайлар вилт касаллигига ҳам нисбатан бардошли бўлганлиги аниқланди. Бунда  $F_1$  (С-6524хАттермизий)х(С-2609хНаманган-77),  $F_1$  (С-6524хС-6541)х(С-2610хС-6541),  $F_1$  (ОмадхНаманган-77)х(С-2609хС-9082),  $F_1$  (С-2609хАттермизий)х(С-6524хАттермизий),  $F_1$  (С-2610хС-9082)х(С-6524хС-6541) ва  $F_1$  (С-2610хАттермизий)х(С-6524хС-9082) чи мураккаб дурагайларда доминантлик коэффициенти ижобий ҳолатда,  $F_1$  (ОмадхНаманган-77)х(С-2609хНаманган-77),  $F_1$  (ОмадхС-9082)х(С-2609хАттермизий) ва  $F_1$  (С-2609хАттермизий)х(С-2610хС-6541) чи мураккаб дурагайларда доминантлик коэффициенти салбий ҳолатда ҳамда  $F_1$  (С-6524хС-9082)х(С-2609хНаманган-77) ва  $F_1$  (С-2610хАттермизий)х(ОмадхАттермизий) чи мураккаб дурагайларда доминантлик коэффициенти оралиқ ҳолатда бўлди.

Маҳсулдорлик кўрсаткичи ўрта толали ғўзанинг  $F_1$  оддий дурагайларида 75,7 граммдан  $F_1$  (С-6524хС-9082) дан 105,5 граммгача  $F_1$  (С-2609хАттермизий), мураккаб дурагайларда эса 85,2 граммдан  $F_1$  (С-2609хАттермизий)х(С-2610хС-6541), 109,6 граммгача  $F_1$  (С-2610хС-9082)х(С-6524хС-6541) бўлганлиги кузатилди. Андоза нав сифатида олинган С-6524 навида маҳсулдорлик кўрсаткичи 86,1 граммни ташкил этди.  $F_1$  (ОмадхНаманган-77)х(С-2609хНаманган-77),  $F_1$  (ОмадхНаманган-77)х(С-2609хС-9082),  $F_1$  (С-2609хАттермизий)х(С-6524хАттермизий) ва  $F_1$  (С-2610хС-9082)х(С-6524хС-6541) мураккаб дурагай комбинациялари маҳсулдорлик кўрсаткичи оддий дурагайлар ва бошқа мураккаб дурагайларга нисбатан юқори бўлди.

Мураккаб дурагайларнинг  $F_1$  (С-6524хАттермизий)х(С-2609хНаманган-77),  $F_1$  (ОмадхНаманган-77)х(С-2609хНаманган-77),  $F_1$  (ОмадхАттермизий)х(С-2609хС-9082)  $F_1$  (С-2609хАттермизий)х(С-2610хС-6541) ва  $F_1$  (С-2610хАттермизий)х(С-6524хС-9082) чи комбинацияларда тола узунлиги белгисининг доминантлик коэффициенти ижобий ҳолатда бўлди.  $F_1$  (С-6524хС-6541)х(С-2610хС-6541),  $F_1$  (ОмадхНаманган-77)х(С-2609хС-9082),  $F_1$  (ОмадхС-9082)х(С-2609хАттермизий),  $F_1$  (С-2609хАттермизий)х(С-6524хАттермизий) ва  $F_1$  (С-2610хС-9082)х(С-6524хС-6541) чи мураккаб дурагайларда белгининг салбий ҳолатда ирсийланиши кузатилди (1-жадвал).

Тадқиқотлар натижалари асосида гоммоз ва вилт касалликларига бардошли, маҳсулдор ва тола узунлиги юқори бўлган оддий ва мураккаб дурагай комбинацияларининг оилалари тажрибаларни давом эттириш мақсадида ажратиб олинди.

Диссертациянинг « **$F_2$  дурагайларида вариацион қатор таҳлилининг натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида ғўзанинг айрим морфобиологик белгиларининг ирсийланиши бўйича тадқиқот натижалари таҳлил қилинган.

Ўрта толали ғўзанинг  $F_2$  оддий ва мураккаб дурагайларини гоммоз билан зарарланиши келтирилган. Гоммоз касаллигининг баҳорги шакли билан  $F_2$  оддий дурагайлари 6,1  $F_2$  (ОмадхАттермизий) фоиздан, 14,2  $F_2$  (С-2610хС-

9082) фоизгача, кузги шакли билан эса 3,8  $F_2$  (С-2610хС-9082) фоиздан, 9,4  $F_2$  (С-2609хС-9082) фоизгача зарарланиши аниқланди. Ўрта толали ғўзанинг  $F_2$  мураккаб дурагайлари гоммознинг баҳорги шакли билан 7,2  $F_2$  (С-2610хАттермизий) х (ОмадхАттермизий) фоиздан, 12,0  $F_2$  (С-2610хС-9082) х (С-6524хС-6541) фоизгача, кузги шакли билан эса 3,5  $F_2$  (ОмадхНаманган-77)х(С-2609хС-9082) фоиздан 5,6  $F_2$  (ОмадхНаманган-77)х(С-2609хНаманган-77) фоизгача касалланганлиги кузатилди. Андоза сифатида олинган С-6524 нави гоммоз касаллигининг баҳорги шакли билан 16,6 фоиз, кузги шакли билан эса 11,1 фоиз зарарланди (2-жадвал).

Мураккаб дурагайлардан  $F_2$  (С-2610хАттермизий) х (ОмадхАттермизий) ва  $F_2$  (С-6524хС-9082)х(С-2609хНаманган-77) комбинациялари гоммоз касаллигига бардошли эканлиги кузатилди, уларда баҳорги шакли билан зарарланиш миқдори 8,1 фоизгача, кузги шакли билан 5,4 фоизгача бўлганлиги кузатилди.

Ўрта толали ғўзанинг  $F_2$  оддий дурагайлари билан умумий зарарланиши 13,5  $F_2$  (С-6524хС-6541) фоиздан, 28,0  $F_2$  (С-2609хНаманган-77) фоизгача, кучли зарарланиши эса 3,5  $F_2$  (С-2610хАттермизий) фоиздан, 11,3  $F_2$  (С-2609хС-9082) фоизгача эканлиги,  $F_2$  мураккаб дурагайларда умумий зарарланиш миқдори 10,9  $F_2$  (С-2610хАттермизий)х(ОмадхАттермизий) фоиздан, 24,5  $F_2$  (ОмадхНаманган-77)х(С-2609хНаманган-77) фоизгача, кучли даражада зарарланиш эса 4,9  $F_2$  (С-2609хАттермизий)х(С-6524хАттермизий) фоиздан, 12,0  $F_2$  (С-2610хС-9082)х(С-6524хС-6541) фоизгача бўлганлиги аниқланди (2-жадвал).

Андоза сифатида олинган С-6524 навининг билан умумий зарарланиши 29,6 фоизни, кучли даражада эса 12,9 фоизни ташкил қилди.

Ушбу натижалар асосида гоммоз ва билан зарарланиши  $F_2$  оддий дурагайларда,  $F_2$  мураккаб дурагайларга нисбатан юқори эканлиги маълум бўлди. Гоммоз билан зарарланиш миқдори 10,0 фоиздан юқори бўлган  $F_2$  (ОмадхНаманган-77)х(С-2609хНаманган-77) ва  $F_2$  (С-2610хС-9082)х(С-6524хС-6541) мураккаб дурагайлар чиқитга чиқарилди ҳамда  $F_2$  (С-6524хС-9082) х (С-2609хНаманган-77),  $F_2$  (ОмадхНаманган-77)х(С-2609хС-9082),  $F_2$  (С-2609хАттермизий)х(С-6524хАттермизий) ва  $F_2$  (С-2610хАттермизий)х(ОмадхАттермизий) дурагай комбинациялар билан тадқиқотлар давом эттирилди.

Оддий дурагайлардан  $F_2$  (С-6524хС-6541) ва  $F_2$  (С-2610хС-9082) комбинациялари бошқа дурагайларга нисбатан гоммоз ва билан касалликлари билан зарарланиши нисбати юқори бўлганлиги сабабли чиқитга чиқарилди ва бошқа комбинациялар кейинги йилда тадқиқотларни давом эттириш мақсадида қолдирилди.

Диссертациянинг « **$F_3$ - $F_4$  оилаларда хўжаликка қимматли бўлган белгилар орасидаги коррелятив боғлиқликлар**» деб номланган бешинчи бобида ўрта толали ғўзанинг  $F_3$  оддий ва мураккаб дурагайларнинг гоммоз ва билан касаллиги билан зарарланиши ҳамда тўртинчи авлодида белгиларнинг шаклланиши келтирилган.

Ўрта толали ғўзанинг  $F_3$  оддий ва мураккаб дурагайларини гоммоз билан зарарланиши келтирилган.  $F_3$  оддий дурагайларини гоммоз касаллигининг баҳорги шакли билан зарарланиши 1,9-8,9 % оралиғида, кузги шакли билан эса 0-5,3 % оралиғида касалланганлиги аниқланди.

Ўрта толали ғўзанинг  $F_3$  мураккаб дурагайлари гоммоз касаллигининг баҳорги шакли билан 0-7,4 %, кузги шакли билан эса 0-5,5 % зарарланганлиги кузатилди. Андоза сифатида олинган С-6524 нави гоммоз касаллигининг баҳорги шакли билан 10,9 фоиз, кузги шакли билан эса 9,1 фоиз зарарланди (3-жадвал).

Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики,  $F_3$  (ОмадхНаманган-77)х(С-2609хС-9082) ва  $F_3$  (С-2610хАттермизий)х(ОмадхАттермизий) комбинациялари гоммоз касаллигига бардошли эканлиги кузатилди. Ўрта толали ғўзанинг  $F_3$  оддий дурагайларини вилт касаллиги билан умумий зарарланиши 3,8 % дан 13,2 % гача, кучли зарарланиш эса 1,9-9,4 % оралиғида бўлганлиги аниқланди.  $F_3$  мураккаб дурагайларда вилт касаллиги билан умумий зарарланиш миқдори 3,8-9,2 %, кучли зарарланиш эса 1,8-5,0 % бўлди. Андоза сифатида олинган С-6524 навида умумий зарарланиш 14,5 фоизни, кучли зарарланиш эса 7,2 фоизни ташкил этди.

1-жадвал

Ўрта толали ғўзанинг  $F_1$  оддий ва мураккаб дурагайларнинг гоммоз ва вилт касалликлари билан зарарланиши, маҳсулдорлик ва тола узунлиги бўйича  $hp$  кўрсаткичлари.

$F_1$ оддий ва мураккаб дурагайлар	Ўсим-лик сони	Гом. зар. Бах. шакли.		Гом. зар. Кузги шакли.		Вилт ум. зар.		Маҳсулдор-лиги		Тола узун-лиги	
		%	$hp$	%	$hp$	%	$hp$	(гp)	$hp$	(мм)	$hp$
$F_1$ (С-6524хС-9082)	57	3,5		3,5		19,2		75,7		33,5	
$F_1$ (С-6524хАттермизий)	56	10,7		7,1		21,4		95,2		32,7	
$F_1$ (С-6524хС-6541)	58	5,4		3,6		16,3		95,7		34,6	
$F_1$ (ОмадхНаманган-77)	55	5,4		1,8		12,7		82,2		33,5	
$F_1$ (ОмадхС-9082)	55	13,7		5,1		15,5		97,0		36,7	
$F_1$ (ОмадхАттермизий)	59	3,3		3,3		11,8		87,0		33,6	
$F_1$ (С-2609хНаманган-77)	60	3,3		1,6		13,3		85,0		31,5	
$F_1$ (С-2609хС-9082)	49	12,0		6,8		12,0		86,8		34,6	
$F_1$ (С-2609хАттермизий)	53	11,3		9,4		18,8		105,5		32,6	
$F_1$ (С-2610хС-9082)	57	5,2		3,5		15,7		84,8		35,5	
$F_1$ (С-2610хАттермизий)	52	3,8		3,8		21,1		105,2		33,6	
$F_1$ (С-2610хС-6541)	58	14,2		8,1		22,4		85,2		34,5	
$F_1$ (С-6524хС-9082)х(С-2609хНаманган-77)	48	0	34,0	2,0	14,0	14,5	0,59	94,6	3,06	32,5	0
$F_1$ (С-6524хАттермизий)х(С-2609хНаманган-77)	53	9,4	-0,65	3,7	0,23	11,3	1,49	96,9	1,33	34,7	3,5
$F_1$ (С-6524хС-6541)х(С-2610хС-6541)	54	12,9	-0,70	7,4	-37,0	11,1	2,70	95,2	0,90	34,3	-5,0
$F_1$ (ОмадхНаманган-77)х(С-2609хНаманган-77)	55	1,8	2,42	1,8	1,8	14,5	-5,0	105,4	15,57	36,8	4,3
$F_1$ (ОмадхНаманган-77)х(С-2609хС-9082)	55	0	2,63	0	1,72	10,9	4,14	106,3	9,47	32,5	-2,87
$F_1$ (ОмадхС-9082)х(С-2609хАттермизий)	57	11,5	0,83	5,2	0,95	17,5	-0,21	85,3	-3,75	33,6	-0,51
$F_1$ (ОмадхАттермизий)х(С-2609хС-9082)	61	11,4	-0,86	4,9	0,08	11,7	2,0	95,0	11,0	34,6	1,0
$F_1$ (С-2609хАттермизий)х(С-6524хАттермизий)	57	0	36,6	0	7,17	8,7	8,76	105,7	1,03	32,6	-1,0
$F_1$ (С-2609хАттермизий)х(С-2610хС-6541)	48	8,3	3,06	6,2	3,92	20,8	-0,11	85,2	-1,0	34,5	1,0
$F_1$ (С-2610хС-9082)х(С-6524хС-6541)	54	0	53,0	1,8	35,0	12,9	10,3	109,6	3,55	33,7	-3,0
$F_1$ (С-2610хАттермизий)х(С-6524хС-9082)	56	10,7	-47,0	5,3	-11,0	10,7	9,94	94,8	0,37	33,8	5,0
$F_1$ (С-2610хАттермизий)х(ОмадхАттермизий)	58	3,4	0,60	0	14,2	12,0	0,95	104,6	0,93	34,6	0
С-6524 (St)	53	14,4		9,6		18,8		86,1		32,9	
ЭКХФ <sub>05</sub>		2,1		1,7		2,6		4,8		0,95	

**Ўрта толали ғўзанинг  $F_2$  оддий ва мураккаб дурагайларнинг  
гоммоз ва вилт билан зарарланиши.**

F <sub>2</sub> оддий ва мураккаб дурагайлар	Ўсим-лик сони	Гом. билан зарар. Бах. шакли.		h <sup>2</sup> F <sub>1</sub> /F <sub>2</sub>	Гоммоз билан зарарланиши. Кузги шакли.		h <sup>2</sup> F <sub>1</sub> /F <sub>2</sub>	Вилт билан умумий зар.		Вилт билан кучли зар.	
		дона	%		дона	%		дона	%	дона	%
		F <sub>2</sub> (C-6524xC-9082)	57		5	8,7		0,36	4	7,0	0,25
F <sub>2</sub> (C-6524xАттермизий)	56	5	8,9	0,42	3	5,3	0,32	9	16,0	4	7,1
F <sub>2</sub> (C-6524xC-6541)	59	7	11,8	0,25	4	6,7	0,27	8	13,5	6	10,1
F <sub>2</sub> (ОмадхНаманган-77)	50	4	8,0	0,52	4	8,0	0,41	12	24,0	3	6,0
F <sub>2</sub> (ОмадхАттермизий)	61	4	6,1	0,39	3	4,9	0,22	13	21,3	5	8,1
F <sub>2</sub> (C-2609xНаманган-77)	57	6	10,5	0,44	4	7,0	0,41	16	28,0	4	7,0
F <sub>2</sub> (C-2609xC-9082)	53	4	7,5	0,55	5	9,4	0,36	11	20,7	6	1,3
F <sub>2</sub> (C-2609xАттермизий)	54	5	9,2	0,33	3	5,5	0,26	14	25,9	4	7,4
F <sub>2</sub> (C-2610xC-9082)	52	7	13,4	0,39	2	3,8	0,30	9	17,3	5	9,6
F <sub>2</sub> (C-2610xАттермизий)	56	5	8,9	0,54	5	8,9	0,40	8	14,2	2	3,5
F <sub>2</sub> [F <sub>1</sub> (C-6524xC-9082)x F <sub>1</sub> (C-2609xНам-77)]	49	4	8,1	0,25	2	4,1	0,27	9	18,3	5	10,2
F <sub>2</sub> [F <sub>1</sub> (ОмадхНам-77)x F <sub>1</sub> (C-2609xНам-77)]	53	6	11,3	0,48	3	5,6	0,35	13	24,5	6	11,3
F <sub>2</sub> [F <sub>1</sub> (ОмадхНам-77)x F <sub>1</sub> (C-2609xC-9082)]	57	5	8,7	0,63	2	3,5	0,55	10	17,5	4	7,0
F <sub>2</sub> [F <sub>1</sub> (C-2609xАттермизий)x F <sub>1</sub> (C-6524xАтт)]	61	6	9,8	0,30	3	4,9	0,19	7	11,4	3	4,9
F <sub>2</sub> [F <sub>1</sub> (C-2610xC-9082)x F <sub>1</sub> (C-6524xC-6541)]	58	7	12,0	0,46	3	5,1	0,23	11	18,9	7	12,0
F <sub>2</sub> [F <sub>1</sub> (C-2610xАттермизий)x F <sub>1</sub> (ОмадхАтт)]	55	4	7,2	0,71	1	5,4	0,52	6	10,9	4	7,2
C-6524 (St)	54	9	16,6		6	11,1		16	29,6	7	12,9

Ўрта толали ғўзанинг  $F_3$  оддий дурагайларда гоммоз касаллигининг баҳорги шаклига бардошлилик белгисининг ирсийланиш коэффиценти 0,23 дан 0,65 гача, кузги шаклида эса 0,25 дан 0,46 гача бўлди. ирсийланиш  $F_3$  оддий дурагайларининг  $F_3$  (C-6524xC-9082),  $F_3$  (C-6524xАттермизий) ва  $F_3$  (C-2609xНаманган-77) чи комбинацияларда коэффиценти бошқа комбнацияларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Гоммознинг баҳорги шаклига бардошлилик белгисининг ирсийланиш коэффиценти  $F_3$  мураккаб дурагайларда 0,35 дан 0,83 гача, кузги шаклига эса 0,28 дан 0,64 гача бўлди.

Ушбу натижалар асосида гоммоз ва вилт билан зарарланиши миқдори  $F_3$  оддий дурагайларда  $F_3$  мураккаб дурагайларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Мураккаб дурагайлардан  $F_3$  (ОмадхНаманган-77)x(C-2609xC-9082) ва  $F_3$  (C-2610xАттермизий)x(ОмадхАттермизий) комбинациялари гоммоз ва вилт касалликларига бардошли бўлиб, уларда бошқа қимматли хўжалик белгиларини яхшилаш учун селекция ишлари давом эттирилди.

Селекция жараёнини қисқартириш ҳамда янги навлар аксарият белгилар бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлиши учун ўсимликлар авлодини тўлиқ ўрганиш ва белгиларни босқичма-босқич тартибда ажратиш ва дурагай комбинацияларини камайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўрта толали ғўзанинг  $F_3$  оддий ва мураккаб дурагайларини гоммоз касаллиги билан зарарланиш миқдорининг тола чиқими, бир дона кўсак вазни, маҳсулдорлик ва вегетация даври белгилари билан коррелятив боғлиқлиги аниқланди.

Гоммоз касаллиги билан зарарланиши тола чиқими белгиси бўйича  $F_3$  оддий дурагайларда -0,42 дан  $F_3$  (ОмадхАттермизий), -0,58 гача  $F_3$  (ОмадхНаманган-77), тола узунлиги белгиси бўйича -0,22 дан  $F_3$  (ОмадхАттермизий), -0,35 гача  $F_3$  (С-2609хНаманган-77), бир дона кўсак вазни билан кучсиз салбий ва маҳсулдорлик белгиси бўйича 0,37 дан  $F_3$  (С-2610хАттермизий), -0,56 гача  $F_3$  (С-2609хС-9082) боғланганлиги қайд этилди.

$F_3$  мураккаб дургайларда гоммоз касаллиги билан зарарланиши тола чиқими -0,23 гача  $F_3$  (С-2609хАттермизий)х(С-6524хАттермизий), тола узунлиги -0,25 гача (С-2609хАттермизий)х(С-6524хАттермизий), кўсак вазни -0,18 ва маҳсулдорлик белгиси бўйича -0,38 гача бўлганлиги кузатилди. Вегетация даври бўйича  $F_3$  оддий ва мураккаб дургайларда кучсиз ижобий коррелятив ҳолатини намоён этди (4-жадвал).

Ўрганилаётган касалликнинг тола чиқими, тола узунлиги, кўсак вазни ва маҳсулдорлик белгилари билан кучсиз, ўртача салбий боғланганлиги кузатилди. Демак ўрта толали ғўзанинг мураккаб дурагайларда гоммоз касаллиги билан зарарланиши оддий дурагайларга нисбатан хўжалик белгиларига таъсири кучсиз салбий даражада бўлди.

Олинган маълумотлардан гоммоз касаллиги билан  $F_3$  (С-2609хС-9082),  $F_3$  (С-2610хАттермизий) ва  $F_3$  (С-2609хАттермизий)х(С-6524хАттермизий) оилалар кам зарарланганлиги аниқланди. Вилт касаллигига  $F_3$  (ОмадхАттермизий), ва  $F_3$  (ОмадхНаманган-77)х(С-2609хС-9082) оилалар бошқа оилаларга нисбатан бардошли бўлганлиги қайд этилди.

$F_4$  (С-2610хАттермизий)х(ОмадхАттермизий) комбинациясининг 17 та оиласида гоммоз касаллигининг баҳорги шакли билан 0 % дан 7,8 % гача, кузги шакли билан 0 % дан 4,3 % гача, ҳамда вилт касаллиги билан умумий даражада 3,0 % дан 14,1 %, гача, кучли даражада эса 0-6,3 % оралиғида зарарланганлиги аниқланди. Ушбу комбинациядаги 7, 10, 11 оилалар гоммоз касаллигига бардошли эканлиги ва 7, 10, 14 оилаларда вилт касаллиги чалинган ўсимликларнинг кам учраганлиги кузатилди.

Гоммоз ва вилт касалликларига бардошли, бир дона кўсак вазни юқори ва маҳсулдор бўлган ўсимликлар тажрибаларни давом эттириш мақсадида ажратилди.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар натижасида яратилган янги селекцион ашёлар таснифи» деб номланган олтинчи бобида тадқиқотлар натижасида яратилган янги С-2612, С-2615 ва С-2616 навларининг хўжалик белгилари бўйича таснифи келтирилган.

Шундай қилиб, оддий ва мураккаб дурагайлаш асосида олинган ушбу дурагай комбинациялари гоммоз ва вилт касаллигига бардошлилиги ва морфо-хўжалик белгилари кўрсаткичлари бўйича андоза навга нисбатан устунлигини кўрсатди ҳамда ушбу оилаларнинг навдорлиги ҳам юқори бўлганлиги кузатилди. Демак, мураккаб дурагайлаш кўп тадқиқотчиларнинг фикрига кўра ҳамда шу пайтгача ўрганилмаган гоммоз касаллигига бардошлилик бўйича ҳам ўзининг афзаллигини яна бир бор намоён қилди.




**Ўрта толали ғўзанинг  $F_3$  оддий ва мураккаб дурагайлари  
гоммоз ва вилт билан зарарланиши.**

F <sub>3</sub> оддий ва мураккаб дурагайлари	Ўсим-лик сони	Гоммоз билан зарарланиши. Баҳорги фазаси.		h <sup>2</sup> F <sub>2</sub> /F <sub>3</sub>	Гоммоз билан зарарланиши. Кузги фазаси.		h <sup>2</sup> F <sub>2</sub> /F <sub>3</sub>	Вилт билан умумий зар.		Вилт билан кучли зар.	
		дона	%		дона	%		дона	%	дона	%
		F <sub>3</sub> (C-6524xС-9082)	49		4	8,6		0,23	3	6,1	0,29
F <sub>3</sub> (C-6524xАттермизий)	56	3	5,3	0,49	2	3,5	0,37	7	12,5	5	8,9
F <sub>3</sub> (ОмадхНаманган-77)	59	2	3,7	0,60	1	1,7	0,32	5	8,5	4	6,8
F <sub>3</sub> (ОмадхАттермизий)	52	1	1,9	0,44	0	0	0,25	2	3,8	1	1,9
F <sub>3</sub> (C-2609xНаманган-77)	53	5	9,4	0,51	4	7,5	0,47	7	13,2	5	9,4
F <sub>3</sub> (C-2609xС-9082)	55	2	3,6	0,65	2	3,6	0,42	5	9,1	4	7,3
F <sub>3</sub> (C-2609xАттермизий)	56	5	8,9	0,39	3	5,3	0,29	7	12,5	3	5,3
F <sub>3</sub> (C-2610xАттермизий)	52	1	1,9	0,62	2	3,8	0,46	6	11,5	3	5,7
F <sub>3</sub> [F <sub>1</sub> (C-6524xС-9082)xF <sub>1</sub> (C-2609xНам-77)]	54	4	7,4	0,39	3	5,5	0,31	5	9,2	1	1,8
F <sub>3</sub> [F <sub>1</sub> (ОмадхНам-77)xF <sub>1</sub> (C-2609xС-9082)]	52	0	0	0,72	0	0	0,64	2	3,8	1	1,9
F <sub>3</sub> [F <sub>1</sub> (C-2609xАтт.)xF <sub>1</sub> (C-6524xАтт.)]	60	3	5,0	0,35	2	3,3	0,28	5	8,3	3	5,0
F <sub>3</sub> [F <sub>1</sub> (C-2610xАтт.)xF <sub>1</sub> (ОмадхАтт.)]	57	0	0	0,83	0	0	0,61	4	7,0	2	3,6
C-6524 (St)	55	6	10,9		5	9,1		8	14,5	4	7,9

4-жадвал

**Ўрта толали ғўзанинг  $F_3$  оддий ва мураккаб дурагайларида гоммоз билан зарарланишнинг бошқа қимматли хўжалик белгилари билан коррелятив боғлиқлиги.**



## ХУЛОСАЛАР

1. ПСУЕАИТИ коллекциясида ўрганилган намуналардан гоммоз ва вилт касалликларига нисбатан бардошли бўлган 8 та навлар ажратилиб чатиштириш ишларига жалб қилинди.

2. Мураккаб дурагайлаш натижасида 12 та гоммоз ва вилт касалликларга бардошли, юқори гетерозисли генотиплар намоён бўлди ва бу эса оддий дурагайларга нисбатан кўрсаткичларни сезиларли юқори бўлишига олиб келди.

3.  $F_2$  мураккаб дурагайларида ўрганилган қимматли хўжалик белгилари бўйича ўзгарувчанлик  $F_2$  оддий дурагайларига нисбатан кенг миқёсда кечиши кузатилди.

4. Оддий ва мураккаб дурагайлар оилалари вилт ва гоммоз касалликларига бардошли бўлган ёки кам зарарланган ҳолатларда пахта маъсулдорлиги юқори бўлганлиги аниқланган, шунинг учун ушбу белгилар орасида боғланиш ўрта ижобий бўлиб чиқди ҳамда корреляция коэффициенти +0,4 +0,6 ни ташкил этди.

5. Мураккаб дурагайлаш натижасида яратилган, вилт касаллигига бардошли бўлган Т-707, ва Т-7777 (С-2615) тизмаларнинг аксарият оилалари тола чиқими ва сифати бўйича андоза С-6524 навидан ўзининг устунлигини кўрсатди.

6. Гоммоз ва вилт касалликларга бардошли бўлган мураккаб дурагайлаш асосида олинган тизмаларда тола ҳосилдорлигини таъминловчи белгилар орасидаги корреляциялар ўрганилиб, тола индекси, тола маъсулдорлиги ва ҳосилдорлиги билан чигитларнинг ҳажми ўртасидаги боғланиш юқори ижобий даражада эканлиги аниқланди.

7. Сурхандарё вилояти Жарқўрғон туманида кўпайтирилаётган янги С-2612 нави ўзининг тезпишарлиги, стресс факторларига(харорат иссиқлиги) бардошли ва ҳосилдорлиги юқори бўлганлиги (38-42 ц/га) кузатилди.

8. С-2612 ва С-2615 ғўза навларига Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан №NAP 2015 0018 ва №NAP 2015 0019 рақамли патент гувоҳномаси беришга ижобий жавоб олинди.

9. Ҳосилдорлиги ва тола чиқими юқори бўлганлиги учун тола ҳосилдорлиги янги Л-707 тизмада 3,5 ц/га юқори бўлди ва ташкилотлараро комиссиясининг тавсиясига кўра ушбу тизма С-2616 нав сифатида 2017 йил Давлат нав синаш комиссиясига топширилди.

10. С-2612 тезпишар ва серҳосил навни Сурхондарё вилоятида тезкор кўпайтиришни тавсия этамиз ҳамда С-2615 нави гоммоз ва вилт касалликларига ўта бардошли бўлганлиги учун Андижон вилоятининг Асака, Шахрихон ва Қўрғонтепа туманларида кенг майдонда кўпайтириш ишларини амалга ошириш керак деб тавсия этамиз.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И АНДИЖАНСКОМ  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,  
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ  
ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**УРОЗОВ БАХРИДДИН ОМОНОВИЧ**

**СЛОЖНАЯ ГИБРИДИЗАЦИЯ В СЕЛЕКЦИИ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА,  
УСТОЙЧИВЫХ К ГОММОЗУ И ВИЛТУ**

**06.01.05 – Селекция и семеноводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ-2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/Qx133.**

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.agra.uz](http://www.agra.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Ибрагимов Паридун Шукурович**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Нариманов Абдужалил Абдусаматович**  
доктор сельскохозяйственных наук

**Бабаев Сайфулла Гофурович**  
доктор биологических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Научно-исследовательский институт  
растениеводства**

Защита диссертации состоится «3» апреля 2018 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете и Андижанском сельскохозяйственном институте (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Административное здание Ташкентского государственного аграрного института, 1 этаж, конференц - зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 533968). Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «19» марта 2018 года.  
(реестр протокола рассылки № 10 от «3» марта 2018 года).

**Б.А.Сулаймонов**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.б.н., академик.

**Я.Х.Юлдашов**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
к.с/х.н., доцент

**М.М.Адилов**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.с/х.н.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Ежегодно возрастают требования текстильной промышленности к качеству потребляемого сырья. В последние годы средне и тонковолокнистый хлопчатник всё больше поражается вилтом, гоммозом, корневой гнилью и другими заболеваниями. Ежегодно эти заболевания наносят существенный ущерб отечественному хлопководству. Гоммоз наиболее распространенное заболевание в мире и наносит большой ущерб урожайности и качеству волокна хлопчатника. Весной в дождливый сезон бактерии гоммоза быстро распространяются и снижают урожай хлопчатника на 15-20 %, что составляет 120-200 тыс. тонн волокна<sup>1</sup>.

Мировая наука в течение более 100 лет занимается проблемой распространения бактерий *Xanthomonas malvacearum* и грибов *Verticillium dahliae* Kleb. В некоторых тропических странах эти болезни снижают урожайность хлопчатника до 50 процентов. Гоммоз и вилт наиболее распространенные заболевания и они встречаются во всех хлопкосеющих странах. Мировая коллекция хлопчатника является общедоступной и селекционеры широко используя её, создают устойчивые сорта на базе сложной внутри и межвидовой гибридизации. Здесь следует отметить исследования которые были направлены на создание сортов путём 2-3 геномных сложных скрещиваний.

Созданные в Республике сорта средневолокнистого хлопчатника не уступают по скороспелости, урожайности, качеству волокна и другим важнейшим хозяйственно-ценным признакам зарубежным сортообразцам. В последние годы наблюдается негативное воздействие бактерий гоммоза на хлопчатник в весенний и осенний период. Абсолютно устойчивых сортов к гоммозу и вилту в ведущих хлопкосеющих странах мира не существует и эта проблема решается путём предварительной протравкой семенного материала. Однако вследствие экологических изменений и появления новых популяций болезни, перед селекционерами возникли новые задачи. Используя коллекцию хлопчатника НИИССАВХ и отбирая наиболее резистентные формы, можно создавать новый устойчивый к этим заболеваниям новый селекционный материал. Тем не менее, отмеченные исследования имеют актуальное значение в расширении научно-исследовательских работ по созданию новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, устойчивых к болезням и вредителям, приспособленных к почвенно-климатическим условиям и внедрению в производство приведенных в Указе Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий» по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 г.г<sup>2</sup>.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Законами Республики Узбекистан № 395-

---

<sup>1</sup> [www.FAO.org](http://www.FAO.org)

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №ПФ-49-47 от 7 февраля 2017 года

